Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 59 (3560)
13 ДУШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БРИГАДАНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИ КАМ

ИШЧИ КУЧИ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Свердловсклик қурилиш ва монтаж ташкилотларининг илғорлари бошлаб берган «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарварлик ташаббусини «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трести бинокорлари ҳам қўллаб-қувватлашди.

Куни кеча трестда ватанпарварлик ташаббусини коллективлар ўртасида кенг ёйишга бағишланган бригада етакчилари ва ишлаб чиқариш илғорларининг йиғилиши ўтказилди. Унда 30-қурилиш бошқармасининг илғор комплекс бригадалари бошлиқларидан Иван Пузиревич ва Тешабой Нурматов сўзга чиқишди. Улар свердловскликлардан ўрнак олишиб, коллективларининг икки нафар етук мутахассисини қолоқ бригадага ўтказишга ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этишга сўз беришди.

Турар жой бинолари қурилишида жавлон уриб меҳнат қилаётган бу бригадаларнинг аъзолари СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга қарор қилишган.

Трестнинг яна кўплаб коллективлари айни кунларда бу ишлаб чиқариш илғорларидан ўрнак олишиб свердловскликлар ташаббуси асосида меҳнат қилиш учун янги марраларни белгиламоқда.

Тошкент абразив комбинатининг моҳир токари Мавжуда Ризаева шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича ўз зиммасига юксак мажбурият қабул қилган. Илғор ишчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда. У иш нормасини 120—130 процент бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг ёш ишчилари ундан ўрнак олишга интилишяпти.

СУРАТДА: М. Ризаева.

М. Нуриддинов фотоси.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

БИЛЛУР ЖИЛОСИ

БУГУН

«Миконд» заводи кенг истеъмол буюмлари цехининг Муҳаммад Абдуллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси беш йилликнинг сўнгги йили февраль ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади.

М. Абдуллаев бошлиқ бригадада 15 киши меҳнат қилади. Буларнинг ҳаммаси силлиқловчи бўлиб, биллур буюмларнинг сиртига олмос билан гул солишади.

Муҳаммад Абдуллаев, Сергей Власов, Юрий Иванов, Темур Мирзаев каби рекорд кўрсаткичларга эришаётган машъал ишчиларга бутун коллектив тенглашишга ҳаракат қилади.

— Бу заводимизнинг энг илғор бригадаларидан, — деди корхона комсомол комитетининг секретари, Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегати Наримон Абдужабборов. — Бригада коллективи «ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтган мусобақа якуни бўйича заводдаги ёшлар бригадалари орасида уч марта ғолиб чиқди. Ҳозир силлиқловчилар ВЛКСМ 60 йиллигига қадар беш йиллик топшириқни бажариш учун интилишяпти.

Маҳорат ҳисобига

1-йигирув фабрикаси Тошкент тўқимачилик комбинатининг энг пешқадам фабрикаларидан бири ҳисобланади. Йигирувчилар февраль ойи топшириғини ортиғи билан бажаришди. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки фабрика коллективи, айниқса арқоқ-йигирув цехи ишчилари зарбдорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирда цехда етти нафар ишчи «Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституциясининг бир йиллигигача!» шиори остида фидокорона меҳнат қилмоқда.

БУГУН

Цехнинг илғор йигирувчиси Тамара Ғаниева уч йилу олти ойлик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Моҳир йигирувчи машиналарнинг нормадаги олти томони ўрнига саккиз томонига хизмат кўрсатяпти.

У ўз устида тинмай изланади, маҳоратини ошириб боради. Шунинг учун ҳам қатор ютуқларни қўлга киритяпти. Тамара Ғаниева йил охиригача яна планга қўшимча 18 минг 400 килограмм калава ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

З. ФУЗАЙЛИДДИНОВА.

ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИГА — 18 ЗАРБДОР ҲАФТА

КОМСОМОЛ СЪЕЗДЛАРИ ТАРИХИДАН

Бугун ёшларнинг ВЛКСМ XIV съездига бағишланган зарбдор вахтасининг XIV ҳафтаси бошланади. 1962 йилнинг 16 апрелидан 20 апрелигача бўлиб ўтган ВЛКСМ XIV съездига 19 миллион 400 минг ВЛКСМ аъзосидан 3878 делегат сайланганди. Съезд коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, коммунизм идеаллари учун ғоявий эътиқодли курашчиларни тарбиялашда комсомолларнинг ролини белгилаб берди. Комсомол ташкилотлари ишининг услуб ва методларини янада такомиллаштиришнинг конкрет тадбирларини белгилади. Съезд ВЛКСМнинг янги уставини қабул қилди. Унда комсомол ҳаётидаги ўзгаришлар ифодаланди.

Ёшлар меҳнат вахтаси

МУСОБАҚА ЁРДАМ БЕРЯПТИ

«Миконд» заводи комсомол-ёшлари ўртасида комсомол-ёшлар бригадаларининг мусобақаси жуда оммалашган. Бугунги кунда мусобақада 20 комсомол-ёшлар коллективи иштирок этяпти. Зарбдор ҳафталиклар давомида кўпгина қимматли ташаббуслар ва починлар, янги меҳнат рекордлари туғилди. Лекин 18 комсомол-ёшлар бригадаси бугунги кунда 1978 йилнинг учинчи квартали ҳисобига ишлаётганлиги энг муҳим ютуқдир. Зарбдор вахтанинг 13-зарбдор ҳафтасида Саодат Дадаева бригадаси ғолиб чиқди. Бу бригада аъзолари ўнинчи беш йилликни ВЛКСМ 60 йиллигигача бажаришдек катта марра сари интилишяпти. Бригадада 7 миллат вакили бўлган 12 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси юксак унумли ва сифатли меҳнат қилиб, кўзланган марра сари дадил интилишяпти. Ҳафта топшириғи 180 процент бажарилди.

БАЛЛИ, МАҲБУБА!

Зарбдор вахтанинг ҳафтасида Маҳбуба Зиёдованинг ошиғи олчи бўлди. У «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳафта якуни бўйича биринчи марта энг илғор ишчи деб тан олинди. Маҳбуба — юксак малакали тикувчи-мотористка. У ўзининг илғор иш методларини мунтазам ва изчил такомиллаштириб боради. Ҳозир Маҳбуба 1979 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Ҳафталик топшириқни 145 процент бажарди. Ленинча зачетнинг аттестацион комиссияси аъзолари якдиллик билан қарор қилдилар: М. Зиёдова ўзининг шахсий комплекс планининг барча бандларини виждонан бажарди. Балли, Маҳбуба!

Ўзбекистон пойтахтининг Фрунзе районидаги юқори синф ўқувчилари мактабни битирмай туриб ўзларига маъқул бўлган ўнга яқин касбни эгаллашлари мумкин. Бунда уларга район мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати ёрдам беради. Бу ерда йигирувчилар ва токарлар, дурадгорлар ва тикувчилар, электр монтажчилар ва бошқа касб эгалари тайёрланади.

СУРАТДА: 172-мактабнинг 10-синф ўқувчиси А. Несмеянов. У шаҳар ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида таълим олаётган юқори синф ўқувчиларининг мусобақасида энг яхши токарь деб топилган.

А. Авазов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

• *Мажбуриятлар изидан*

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАШ — ШИОРИМИЗ

Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари ўртасида 1978 йилдаги социалистик мусобақа тўғрисида тузилган шартнома икки район коллективларининг хўжалик-иқтисодий фаолиятида юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашда таъсирчан воситага айланиб қолган. Саноат корхоналари коллективларининг беш йиллик иккинчи йилининг дастлабки икки ойидаги меҳнат натижалари шундан гувоҳлик беряпти.

Меҳнат коллективлари январь—февраль ойларидаги халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 1,885 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Бунга қандай муваффақ бўлинганлиги ҳақида, йилнинг ўтган ойлари мобайнида ишлаб чиқариш коллективларининг меҳнат беллашуви якунлари тўғрисида биз мусобақадош районлар ва корхоналар ўртасидаги анъанавий йўқламамизни бошлаб, газетамизнинг иккинчи саҳифасида сўз юритамиз.

Шундан кейин шаҳардаги Ҳамза ва Куйбишев, Киров ва Собир Раҳимов, Ленин, Фрунзе ва Сергели районларининг меҳнат беллашуви ҳақида ҳикоя қиламиз.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида халқ назоратчилари армиясининг кўп сонли вакиллари йиғилдилар.

Актив йиғилишида район халқ контроли комитети раиси М. А. Файзиев «Район халқ контроли комитетининг 1977 йилги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорлари, ана шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда баён этилган қоида ва хулосалардан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқиб, район халқ контроли комитетининг 1978 йилги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Актив йиғилишида Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. Х. Тошхўжаев сўзга чиқди.

• *22 апрель — коммунистик шанбалик куни*

Беш йиллик фондига

Москва шаҳар саноат корхоналари коллективларининг 22 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини шаҳримиздаги кун-мўйна заводи ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари бир овоздан қўллаб-қувватлаб, апрель ойининг тўртинчи шанбасида бир тан, бир жон бўлиб коммунистик шанбаликка чиқишга аҳд қилдилар.

— Совет кишилари «Буюк почин» анъаналарига содиқ қолишиб, ҳар йили коммунистик шанбалик ўтказмоқдалар. — дейди завод директори З. Самиғжонов. — Бизнинг коллективимиз ҳам бундай меҳнат байрамларида фаол иштирок этиб келмоқда. Бу йил ҳам аввалдан шанбалик программасини тузиб қўйдик. Шу куни 500 дан ортиқ киши ўз иш жойларида меҳнат қилиб, 27 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Хизматчилар эса завод ҳовлисида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини олиб боришади. Кўплаб дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилади. Шанбаликдан тушган 2400 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИИ.

Штаб тузилди

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш юзасидан москвалликларнинг бошлаб берган ташаббусини марказлашган усулда юк ташиш трестига қарашли 2512-автоколонна коллективи ҳам бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Апрелнинг тўртинчи шанбасида коммунистик шанбалик ўтказиш учун автоколоннада махсус штаб тузилди. Штабга корхона партия ташкилотининг секретари Ҳ. Ғуломов раҳбарлик қилмоқда. Куни-кеча мазкур штаб шанбалик программасини эълон қилди. Унга кўра коммунистик шанбаликда 500 киши иштирок этади. Шундан 400 киши ўз иш жойларида, юз нафар транспортчи эса ободончилик ишлари билан шуғулланади.

— Шанбаликда, — дейди 2512-автоколонна бошлиғи Жўра Хожибеков, — жами 1500 тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб берамиз. Бир тонна бензинни тежаб қоламиз. Бундан ташқари, транспортчиларимиз 300 погон метр ариқни тозалашиб, зилол сувларнинг равон оқиши учун тайёрлаб қўядилар. Шунингдек, автоколоннамиз атрофига ва ички майдонларига 200 та дарахт кўчати ва 500 дан ортиқ атир гул кўчатларини ўтқазамиз.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Коллектив — тарбия мактаби» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақола илғор меҳнат коллективларининг тарбиявий ролига бағишланган. Амалиёт коллективнинг меҳнатга коммунистик муносабат мактаби эканлигини тасдиқлаб турибди, дейилади жумладан унда. — Социалистик мусобақа, юксак самарадорлик ва иш сифати учун умумхалқ курашида мажбуриятларни ҳамда муқобил планларни тайёрлаш ва уларни реализация қилишда иштирок этиш ижтимоий бурч ҳиссиётини оширади, бутун куч-ғайратни сарфлаб, ижодий меҳнат қилишга даъват этади. Сиёсий ва иқтисодий таълим системаси кўп жиҳатдан бунга монелик қилади.

● Учишни бошқариш маркази хабар қилади: «Салют—6» — «Союз—27» космик илмий-тадқиқот комплексининг орбита бўйлаб парвози давом этмоқда.

Экипажнинг комплекс бортидаги навбатдаги 93-иш куни соат саккизда бошланди. Космонавтлар Юрий Романенко ва Георгий Гречко борт системаларини назоратдан ўтказиб, нонушта қилганларидан сўнг станцияга хизмат кўрсатиш бўйича планлаштирилган операцияларни бажардилар.

Телеметрик ахборот маълумотларига ва экипажнинг докладларига қараганда «Салют—6» — «Союз—27» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишлаб турибди.

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХУШХАБАРЛАР

Квартал ғолиби

Республика енгил саноат министрлиги ва Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзлари Марказий Комитети ўтган йилнинг тўртинчи кварталида республика корхоналари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқди ва ғолибларни муносиб мукофотлар билан тақдирлади.

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи министрлик корхоналари бўйича тўртинчи кварталда социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги, беш йилликнинг икки йиллик планларини адо этишда салмоқли натижаларга эришганлиги учун биринчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди. Тошкент чинни заводининг коллективи эса иккинчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлди. «Ўзбекистон» савдо бирлашмасининг яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Хизматнинг янги усули

Пойтахтимиздаги «Химчистка» фабрикаси аҳолига яна бир янги хизмат усулини кўрсата бошлади. Эндиликда буюртмачилар фабрикага топширмоқчи бўлган кийимларини қабул пунктларига олиб бориш ўрнига бевосита корхонанинг ўзига телефон орқали маълум қилишлари мумкин. Бунинг учун 33-36-58, 96-37-41, 44-61-45 сингари бир қатор телефонлар ана шундай буюртмалар учун ажратилди.

Буюртмага биноан фабриканинг вакили белгиланган вақтда хонадонга бориб кийимларни қабул қилиб олади. Буюртма етти кун ичида бажарилади.

Ҳозирги пайтда фабриканинг 60 та қабул қилиш пункти пойтахтнинг турли массивларида ишлаб турибди.

Маданият уйи филиали

Собир Раҳимов районидаги Абдулла Набиев номли маҳаллада район маданият бўлимининг ташаббуси билан 4-маданият уйининг филиали очилди.

Эндиликда барча оммавий-сиёсий тадбирлар, концертлар, атоқли кишилар билан учрашувлар худди шу ерда ўтказилмоқда. Филиалда бичиш-тикиш, музика, рақс тўгараклари иш бошлади, драма, радио тўгараклари очилиши кўзда тутилган.

Ҳозирда Собир Раҳимов районида 4 та маданият уйи, 9 та болалар ва катталар кутубхоналари ишлаб турибди.

Рус санъати лекторийси

Ўзбекистон ССР санъат музейида иш бошлаган доимий ҳаракатдаги лекторий рус санъати дурдоналари ва унинг ижодкорларини пропаганда қилишга бағишланган. Дастлабки обзорли лекция XVIII асрнинг буюк рус манзарачи рассомлари ижодига бағишланди.

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги машғулотда юздан ортиқ тингловчи буюк рус манзарачи рассоми Павел Андреевич Федотовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбат эшитишди.

Лекторийнинг кейинги машғулотларида санъат ошиқлари Репин, Суриков, Перов ва бошқаларнинг сермазмун ижоди билан яқиндан танишадилар.

Музей ходимлари ўз лекцияларини ўқиш давомида диапозитивлар, ҳужжатли фильмларни ҳам намойиш қиладилар. Лекторий тингловчилари музей заллари бўйлаб экскурсия ҳам ўтказадилар.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Ваъдага вафо

Энгельс кўчасининг «Дўстлик» меҳмонхонасидан то «Ғалаба» боғигача бўлган қисмида трамвай йўли реконструкция қилинмоқда. Бу масофада ўнқир-чўнқир бўлиб кетган асфальт олиб ташланиб, ўрнига чиройли бетон плиталар ётқизиляпти. Бу ишни трамвай-троллейбус бошқармасининг ремонт-қурилиш бошқармасининг Пирмат Ҳожиаҳмедов бошлиқ бригадасининг 16 нафар аъзоси амалга оширяпти. Йўлсозлар бу ишни май ойигача битказишга аҳд қилишган.

Бригада беш йилликнинг 3 йили топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга қарор қилган.

— Йўлсозларим из аҳдга яраша баракали ишлашмоқда.— дейди участка бошлиғи В. Зилиницкий.— Бунда Аҳмад Акромов, Ғофур Юсупов, Наим Кашопов, Халил Ғуломов каби қурувчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Кўркам бинолар атрофига

Октябрь район уй-жой бошқармаси бу йилги капитал ремонт ишлари учун бир миллион 450 минг сўм, жорий ремонт учун эса 370 минг сўм сарф қилади. Ҳозир районда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида актив иштирок этишга киришилди.

Уй-жой бошқармаси ишчи-хизматчилари шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган икки ойликда 4 минг туп дарахт, 6 минг дона яшил тўсиқ ва 8 минг туп ранг-баранг гуллар ўтқазишади. Ҳозир райондаги барча кварталларда ана шу кўчатларни ўтқазиш учун чуқурчалар қазилмоқда. Бундан ташқари биноларнинг подъезд ва уй номерларини тартибга келтириш, дарахтларнинг қуриган шохларини кесиш ишлари ҳам муваффақият билан олиб борилмоқда.

Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги қизғин давом этмоқда. Икки ойлик давомида Акмал Икромов районида талайгина кўчатлар ўтқазилади. Бу ерда 1-ремонт қурилиш бошқармасининг кўкаламзорлаштирувчилари яхши меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: Ф. М. Аулов бошлиқ бригаданинг илғор ишчилари Петр Петрович Савин ва Эдуард Владимирович Кортунов кўчат ўтқазишмоқда.

А. Сидякин фотоси (ЎзТАГ).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисида» Қонунининг 32-моддасига биноан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

XIV чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг V сессияси 1978 йил 23 мартда чақирилсин.

Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Шаҳар аҳолисига пассажир транспорти хизматининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида.
2. Шаҳар Советининг 1977 йил 22 сентябрдаги «Шаҳар корхоналарида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида ахборот.
3. Қурилиш ва архитектура бўйича доимий комиссиянинг иши тўғрисидаги ҳисобот.

Ижроия комитет раиси
В. О. КОЗИМОВ.

Секретарь
М. М. МАРТЬЯНОВА.

БАҲС БОШЛАНДИ

Сув полоси

Тошкентдаги Митрофанов номли сув спорти саройида олий лига командалари сув полоси бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи тур ўйинларини бошлаб юборишди. Бу ерда Москванинг МДУ ва «Москвич», Львов ва Тбилиси шаҳарларининг «Динамо», Бокунинг Қизил байроқли Каспий флотилияси, Тошкентнинг «Меҳнат» командалари куч синашишмоқда.

Ўтган йилги мамлакат биринчилигида «Меҳнат» командаси олтинчи ўринни олишга муваффақ бўлган эди. Команданинг ўйини тобора такомиллашиб, ҳужумкорлик касб қилиб бораётганлиги учун мутахассислар бу йил бу командага катта ишонч билан қарашган эди. Уларнинг фикрича «Меҳнат»да медаль учун курашиш имконияти мавжуд эди. Лекин баҳслар бошланиши олдидан бир неча етакчи ўйинчилар командани тарк этди. Жумладан, ҳужумчи Рудаков Москванинг Ҳарбий Денгиз Флоти Марказий Армия клубига ўтди.

Дастлабки учрашувда меҳнатчилар Москва Давлат университетининг ватерполчилари билан ҳавзага тушишди. Ўтган йилги кумуш медаль соҳиблари ўйиннинг бошиданоқ ташаббусни ўз қўлларига олиб, майдон эгаларининг дарвозасига иккита тўп киритишди. Лекин меҳнатчилар ўзларини йўқотиб қўйишмади. Улар кейинги бўлимларда тез ва аниқ ҳаракат қилиб рақибларининг дарвозасига бешта тўп киритиб, ҳисобда олдинга ўтиб олишди. Лекин ғалабани сақлаб қолиш учун уларда тажриба етишмади — 5:5.

Кечаги бўлган беллашувда ҳам тошкентликлар ҳисобда олдинда бораётган эди. Улар биринчи бўлимда Львовнинг «Динамо» командаси дарвозасига учта жавобсиз тўп киритишди. Аммо кейинги бўлимларда меҳмонлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди — 4:4.

Ўтган икки турда қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Динамо» (Львов) — «Динамо» (Тбилиси) — 6:5, ҚКФ — Боку) — «Москвич» — 4:4, МДУ — «Москвич» — 4:4, ҚКФ (Боку) — «Динамо» (Тбилиси) — 6:7.

• Злобинчилик ҳаракатига кенг йўл!

Самарадорлик манбаи

Ўтган йили трестимизда 25 коллектив бригада пудрати методи бўйича меҳнат қилди. Улар бунёд этган 12 та объект «аъло» ва «яхши» баҳоларга фойдаланишга топширилди. Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 73 минг сўмга қисқартирилди. Қурилишлар муддати 102 кунга камайтирилди, 3695 иш-соати тежалди. Бригада пудрати бўйича бажарилган ишлар ўз кучларимиз билан амалга оширишимиз лозим бўлган ишларнинг 20 процентини ташкил этди. Ҳар бир қурувчининг ўртача иш ҳажми 19,2 процентга ўсди.

15-қурилиш бошқармасининг В. Шавлюк, 23-қурилиш бошқармасининг С. Минубоев, С. Қудратов, В. Раҳмеев, 30-қурилиш бошқармасининг А. Шокиров, 36-қурилиш бошқармасининг В. Гордиенко, А. Абкеримов ва бошқа пешқадам бунёдкорлар бошлиқ бригадалар айниқса қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. В. Шавлюк бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекс бригада электр-техника заводининг маиший хоналари қурилишини муддатидан бир ой илгари тугаллаб объектнинг таннархини 11 минг сўмга арзонлаштирди. Минубоев бошлиқ бригада эса мебель комбинатининг ётоқхонаси қурилишида 12 минг сўмдан зиёд маблағни иқтисод қилди. 30-қурилиш бошқармасининг А. Шокиров, Н. Левчук раҳбарлигидаги бригадалари Сергелида 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносини битказиб, қурилиш-монтаж ишларининг таннархини 17670 сўмга арзонлаштирди.

Бироқ, коллективларда бригада пудрати методини кенг ёйиш, унинг самарадорлигини оширишда бир қатор камчиликлар содир бўлмоқда.

Объектларни белгиланган муддатларда темир-бетон конструкциялари ва маҳсулотлари билан таъминланмаслиги туфайли бинокорлик ишларининг сифати бузиляпти. Бундан ташқари бу камчиликлар бригада ишини аниқ планлаштиришга имкон бермаяпти. Агарда бу камчиликлар бартараф этилса, биз янада унумли меҳнат қилиб, қурилиш-монтаж ишларининг самарадорлиги ва сифатини ўстиришга, объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишга муваффақ бўлардик.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида самарадорлик ва сифатга эришиш капитал қурилишни тубдан яхшилаш, ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, янги қувватларни ишга тушириш билан узвий боғлиқ эканлиги, айрим ташкилотларда қурилиш ишларига яхши эътибор берилмаётганлиги натижасида биноларни ишга тушириш муддатлари барбод этилаётганлиги айтилган. Бу танқидий фикрлар бизнинг трестимизга ҳам тааллуқлидир.

Коллективимиз 1978 йил учун катта мажбуриятлар қабул қилди. 26 декабрга қадар йиллик планни бажариб, бош пудрат ва ўз кучларимиз билан 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, ҳар бир квартал планини муддатидан бир кун илгари адо этишга аҳд қилдик. Ҳа, зиммамиздаги вазифалар улкан. Агар Н. Злобин методи бўйича ишлаётган бригадаларда ишни ташкил қилишни такомиллаштирсак, злобинчилар сонини ўстира борсак, албатта белгиланган топшириқлар амалга оширилади.

М. ЗАЕДИНОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш тресги меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАШ—ШИОРИМИЗ

Ўзаро мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районлари саноат ходимлари беш йилликнинг учинчи йили планини 18—19 декабрда бажариш ва планга қўшимча 10.7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот тайёрлаш ўсишининг 85—90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришиш мажбуриятини олишган. Шаҳар статистика бошқармасининг йилнинг дастлабки икки ойи ҳақидаги маълумотлари ўзаро беллашаётган корхоналарнинг коллективлари белгиланган план ва мажбуриятларни бажаришда дастлабки маррани эгаллаганликларини кўрсатяпти. Планга қўшимча 1.885 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Буюмлар ишлаб чиқариш ўсишининг асосий қисмига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришилди.

Кўпгина корхоналарнинг коллективлари янги йилнинг бошидан юксак суръатда ишлашни таъминлаб, ишда дурустгина кўрсаткичларга эришдилар. Жумладан, кўн-мўйна заводи, заргарлик заводи, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, чўтка фабрикаси, Ўзбекистон карлар жамиятининг иккинчи ўқув ишлаб чиқариш комбинати ва бошқа коллективлар планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этиб, бу кўрсаткич бўйича йилнинг апрель ойи маррасига етдилар.

Кўпгина корхоналар январь ва февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 10—27 процентга оширдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш графигидан 3—5 кун ўтиб кетдилар. Булар қаторида «Средазэнергоцветмет» корхонаси, мебель тажриба-техника заводи, «Промсвязь» заводи, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва унга техника хизмати кўрсатиш тажриба заводи, тикувчилик, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари, картон ва қоғоз буюмлар фабрикаси, 10-босмахона каби корхоналар бор.

Лекин ҳамма резервлардан тўла фойдаланиляпти деб бўладими? Йўқ, бундай деб бўлмайди. 8-темир-бетон буюмлари заводи ўтган йилга нисбатан реализация ҳажми ва товар маҳсулот ишлаб чиқаришни 12 процентга камайтириб юборди. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришда қолоқлик сезиляпти. Икки ой мобайнида корхонада йиллик планнинг 12,3 проценти миқдорида маҳсулот тайёрланди. Миллий чолғу буюмлар фабрикаси, 3-йирик панелли уйсозлик заводи графикдан ортда қоляпти.

«Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг тажриба заводи маданий-маиший буюмлар тайёрлаш бўйича икки ойлик планни бажара олмади. Чилонзор районида «Средазгазавтоматика» заводи, 2-пойафзал фабрикаси пландаги маҳсулотнинг тайёрлашда буюмлар таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Мусобақадош районларда меҳнат беллашувида биринчиликни эгаллаш учун кураш янги босқичга ўтди. Октябрь ва Чилонзор районларининг барча корхоналари коллективлари, 172 цех, 236 участка, 926 бригада 1978 йилда қолоқларсиз, юксак самарали меҳнат қилишга ваъда беришган. Бу демак, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида мавжуд техникадан, иш вақтининг ҳар бир минутидан омилкорлик билан фойдаланишни, бекор туриб қолишни камайтиришни тақозо этади. Бундан ташқари бу маҳсулот таннархини камайтириш учун маҳсулотга кетадиган материал сарфини камайтиришни, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиб, айниқса, металл, ёнилғи, электр қувватини авайлаб сарфлашни, тежалган материаллардан планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо этади.

1978 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Октябрь райони	Чилонзор райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,1	103,6
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	105,5	114,8
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	101,4	100,2
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	103,1	111,2
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда).	56,4	78,4
Планни бажармаган корхоналар:	—	—
а) реализация бўйича бажарилмаган (минг сўм ҳисобида).	—	—
б) меҳнат унумдорлиги бўйича	3	4
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда)	133,3	102,3
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	110,8	117,1
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь ойи кўрсаткичлари (процентларда)	74,7	52,6
Турар жойни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши (процентларда) 1978 йилнинг январь ойида	—	—

Шаҳримизнинг Охунбобоев номли майдонида 20 қаватли янги «Москва» туристик меҳмонхонаси қад кўтармоқда. Бу улкан кошона қурилишида 11-«Висотстрой» қурилиш тресги 75-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Сиз мана бу фотолавҳада шу қурилишда баракали меҳнат қилаётган илғор Анатолий Жўраев бош бўлган комплекс бригадаси аъзоларидан бир группасини кўриб турибсиз. М. Нуриддинов фотолари.

22 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ ЗАРБДОР КУНИ

«Ташсельмаш» заводининг олти минг кишилик коллективи «Ленинча шанбаликка ҳаммамиз бир кишидек ишга чиқамиз!» деб аҳд қилишди. Коллективнинг зарбдор меҳнати 22 апрель куни 78 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Бу эса оддий иш кунида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан кўпдир.

Корхонада Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига ҳозирдаёқ актив тайёргарлик кўрилмоқда. Материалларни, электр энергиясини тежаш фонди вужудга келтирилмоқда.

Меҳнат байрамида заводнинг уч авлоди иштирок этади. Ўқувчи болалар ўз боболари ва оталари билан биргаликда ишлашга қарор қилдилар. Улар темир-терсак ва макулатура тўплайдилар, дарахт кўчатлари, буталар ўтқазадилар.

ИБРАТ ОЛИБ

Тошкентдаги нонбулка-кондитер маҳсулотлари бирлашмасининг Ҳ. Исамуҳамедов бошлиқ бригадаси меҳнат байрамида смена топшириғини деярли бир ярим баравар ошириб бажаришни мўлжалламоқда. Бу коллектив корхонада юксак меҳнат унумдорлигига эришаётганлиги билан машҳурдир. Меҳнатнинг аниқ-пухта ташкил этилганлиги, бир-бирининг ўрнини боса олиш, технологияга қатъий риоя қилиш ана шундай юксак меҳнат унумдорлигига эришиш негизидир. Бирлашманинг барча бўлинмалари илғор бригаданинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. 1220 киши 120 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун шу куни иш жойларида туриб меҳнат қилишга қарор қилишди.

(ЎзТАГ).

• Беш йиллик илғорлари

ПЎЛАТ ИЗ ШУНҚОРИ

Вокзал перрони одамлар билан гавжум. Абдусаттор ака составни яна бир бор кўздан кечирди.

Диктор қиз поезд жўнаши ҳақидаги хабарни эълон қилди. Пассажир поезди ўрнидан қўзғалди. Кузатувчилар оқ йўл тилашиб, поезд ортидан қўл силкитиб қолдилар. Бир-бирининг этагини тутган ўн тўрт вагон пўлат излардан югуриб кетди...

Эртага байрам. Ҳамма ўз оиласида, қариндош-уруғлари даврасида бўлади. Абдусаттор ака ва унинг шериклари эса йўлда. Уйларидан узоқда бўлишади. Сабаби хизматчилик. Уларнинг касби шунақа. Бунга ўрганиб қолишган. Мана ўттиз йилдирки, Абдусаттор ака тантанали кунларни йўлда, турли шаҳарларда кутиб олади. Қанчалан-қанча одамларнинг қувончига қувонч қўшиб, уларни манзилига элтиб қўяди. У йўл юришни яхши кўради. Чунки бахтини ҳам, обрўсини ҳам, қувончини ҳам ана шу темир йўллардан топди.

Бир маромда айланаётган поезд ғилдиракларининг овози ўзгаришидан ҳамроҳим бироз жимиб сўнг:

— Дарёдан ўтяпмиз, — деди.

Купе ойнасидан ташқарига қарадик. Тун қоронғисида киргоқдаги электр чироқларнинг сув бетидаги қалқиётган акси кўзга ташланади. Поезд аллақачон кўприк устидан ўтиб кетган бўлса-да, Абдусаттор ака ташқарига боққанча хаёл суриб қолди.

— Ҳар гал дарё устидан ўтарканман, кўз олдимда уруш йилларида рўй берган воқеа намоён бўлади. Тўғрисини айтсам, ўша даҳшатли кунларни эсламайман дейман-у, аммо унутолмайман. Ахир баданингда ўқ жароҳати, қалбингда дўстларинг хотираси, кўз олдингда душман қабиҳликлари турганда, қандай ҳам унута оласан киши. Ҳаётимда жуда кўп йўл юрганман. Жангу жадал билан Витебск шаҳридан Берлингача пиёда йўл босганман. Қайтишимда поездга чиқдим-у, у менга ёқиб қолди...

Абдусаттор Маликов 1949 йили Тошкент темир йўл депосига ишга кирди. Темир йўл техникумини тугатиб, ўрта маълумотли мутахассис бўлди. Жанг кўрган йигит эмасми, меҳнатда ҳам ўзини кўрсатди. Ишчанлиги ва ширинсуханлиги билан тез орада коллектив орасида танилди. 1955 йили депо бошлиқлари тадбиркор йигитни поездга бошлиқ этиб тайинлашди.

Ишга иш қўшилиб, ташвиши яна ортди. Энди у бутун бошли поезднинг техник тузилишига жавобгар. Бу иш кишидан катта куч сарфлашни, қунтли бўлишни талаб қилади. Буни яхши билган Абдусаттор ака энг аввало коллектив билан тил топишди. Тез орада 2-вагон депосида Абдусаттор Маликов бригадаси илғорликда ном чиқарди. Социалистик мусобақа ғолиби бўлди. «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган шарафли номга муяссар бўлди.

Йиллар ва йўллар. Бир-бирига ҳамоҳанг ва ўхшаш. Одам йўл юрган сари йиллар ҳам ўтиб кетаверар экан. Ана шу ўтган йилларда Абдусаттор ака босиб ўтган йўлларга назар ташлар эканмиз, кўз олдимизга салмоқли рақамлар келади. Агар у бир йилда ўртача 90 марта йўлга чиққан бўлса, 28 йилда 2520 марта қатнаган.

— Депомизда Абдусаттор аканинг бригадаси олдига тушадигани кам топилади. У камтарлиги ва хушмуомалалиги билан ажралиб туради. Абдусаттор ака социалистик мусобақа аълочиси. «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори», «СССРнинг фахрий темир йўлчиси», — дея тўлқинланиб ҳикоя қилади депо партия ташкилотининг секретари Шукрулло Юсупов. — Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан унинг меҳнати 32 марта тақдирланди. Унга яқин орден ва медаллар унинг меҳнатига берилган баҳодир. У Тошкент шаҳар Советининг депутати ҳамдир.

...Тун оромини бузиб, поезд олдинга ўрмалайди. Темир изларда бир текис айланаётган ғилдираклар вагонларни бир маромда тебратади.

Эзгулик. Инсон ҳамиша унга талпиниб яшайди. Ҳаётда ниманидир кашф этиб, келажакка замин яратади. Кимдир уй қуради, кимдир боғ яратади, яна биров қақроқ чўлларни бўстонга айлантиради. Ана шундай орзу-ниятли кишилардан бири бўлган Абдусаттор ака одамларга қувонч бахш этади. Оддий касбда ҳормай-толмай 30 йилдан бери одамлар манзилини яқин қилиб келаётган машинист Абдусаттор Маликовга сафарингиз доимо бехатар бўлсин, деймиз.

Н. ФАЙЗИЕВ.

Тошкентдаги СССР 50 йиллиги номли трактор заводи коллективи мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашлари учун кўплаб трактор ва прицеплар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқармоқда. Мана бу суратда қишлоқ механизаторлари учун жўнатилаётган янги прицеплар акс этган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Фойдали ҳамкорлик

ДЕҲЛИ. Металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарини лойиҳалаш иши билан шуғулланувчи давлат корпорацияси. Ҳиндистонда етакчи лойиҳа ташкилоти бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бу ташкилотда 3 минг ходим, шу жумладан бир мингдан зиёд юқори малакали лойиҳачи инженерлар ишлаб турибди. Уларнинг кўпи Москва гипромаз лойиҳа институтида ва СССРдаги бошқа лойиҳалаш муассасаларида тажриба тўплаган.

Металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарини лойиҳалаш давлат корпорациясининг бош бошқарувчиларидан бири П. С. Лаха бундай деди: биз ҳозирги вақтда Бхилаи ва Бокаро металлургия комбинатларининг қувватини йилига 4 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарадиган қилиб кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳани тузмоқдамиз.

Шундай катта лойиҳалаш муассасасининг вужудга келтирилиши қора металлургия соҳасида Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигининг ривожланиши билан бевосита боғланган. Ўзаро манфаатли асосда тузилган битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи ишимиз учун жуда катта наф келтирадиган техника материалларини юборди. Совет мутахассислари катта ёрдам бериб, ўз тажрибалар ва билимларини биз билан баҳам кўрмоқдалар. Ҳозирги вақтда ана шу корпорацияда совет экспертларининг бир группаси ишлаб турибди. Улар лойиҳалашга доир мураккаб масалаларни ҳал этишда бизга кўмаклашмоқдалар, деб — таъкидлади П. С. Лаха.

Саҳронинг янги қиёфаси

ЖАЗОИР. Жазоир ҳукумати мамлакатнинг жанубий районларини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Саноат марказларидан олисда Саҳрои Кабирда жойлашган жанубий вилоятлар узоқ вақтдан бери иқтисодий ва маданий жиҳатдан яккаланиб қолган эди.

1966 йилда жанубни иқтисодий ривожлантиришнинг махсус программалари қабул этилганидан кейин бу ерда ўзгартишлар қилишга киришилди. Белгиланган тадбирларнинг кўпи ҳозиргача бажариб бўлинди.

Ҳасси-Рмел газ конлари ва Хасси — Мессауд нефть конлари теварак-атрофдаги районларнинг турмушини ўзгартирди. Саноат корхоналари қурилмоқда, дастлабки намунали социалистик қишлоқлар қад кўтарди.

Қурилаётган ва саҳро ўртасидан ўтиб Мали ва Нигергача етиб борадиган Саҳрои Кабир автомобиль магистрали иқтисодий тараққиётга ёрдам беради. Районни иқтисодий ривожлантириш программасида бир неча аэропорт ва катта тош йўллар қуриш кўзда тутилган.

Шу режаларнинг амалга оширилиши туфайли Жазоир жанубининг иқтисодий-социал қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

АЖАЛ ҚУРОЛИГА ҚАРШИ

БОНН. Германия Федератив Республикасида Америка маъмуриятининг нейтрон бомба ишлаб чиқара бошлаш ва уни Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда жойлаштириш режаларига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Ғарбий Германиянинг таниқли жамоат арбоби, бундестагнинг собиқ депутати А. Бериш ГФР канцлерига мактуб йўллади. У ўз мактубида канцлерни Дания бош министри А. Йоргенсендан ўрнак олиб, нейтрон қуроли ишлаб чиқариш ва уни ГФР территориясида жойлаштиришга қатъий қарши чиқишга даъват этади.

ОБЪЕКТИВДА — ҲИНДИСТОН.
СУРАТДА: илон ўргатувчиси.
М. Олимова фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА ВА КЎРКАМ БЎЛСИН

ОБОДОНЧИЛИКДАГИ МУАММОЛАР

ЁКИ ФАРРОШЛАР НЕГА ЎЗ ИШЛАРИГА ҚИЗИҚИШМАЙДИ?

Шаҳримизнинг кўркам бўлишида ундаги биноларнинг ранг-баранг архитектурасигина эмас, балки озодалиги ва кўркамлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ободончиликка йилдан-йилга катта эътибор берилмоқда. Агарда ободончилар ишларига сидқидилдан киришсалар шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлар учун катта қувонч бахш этадилар. Хўш, улар ишларига сидқидилдан киришишмасаларчи? Ҳа, бугунги суҳбатимиз ободончиликдаги муаммолар ҳақида боради.

Навоий кўчасини ким билмайди дейсиз. Айниқса унинг машҳур ярмаркаси, ёш томошабинлар театри, Санъат саройи жойлашган қисми ҳаммамизга таниш. Тошкентдаги энг серқатнов кўчалардан бири ҳисобланган бу магистрал ҳозирги кунда қай аҳволда? Бу ердаги ободончилар ўзларига биркитилган участкалардаги ишларни удалашяптими?

...Эрталаб соат саккиз. Фаррошлар эндигина ишга киришишган. Ҳадра бекати атрофида С. Собирова кўчани супурмоқда. Бекат чиқиндилар билан тўлиб-тошганлигига қарамасдан фаррош унга эътибор ҳам бермаяпти. Шундоққина бекат ёнидаги чуқурчадан эса у ўра сифатида фойдаланиб, чиқиндиларни шу ерга тўкмоқда. Бу ердаги металлдан ишланган тўсқичнинг жуда кўпгина жойи эса синиб кетган. Шошилиб кетаётганингда ана шу синган жойдан ўтмоқчи бўлсанг, тўппа-тўғри машинанинг тагига тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Хўш, бу тўсқични ким синдирган? Айбдорни қидириш бефойда бўлса керак. Чунки уни тарбиясиз болалар категориясига кирувчилар синдиришган. Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Расулов ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси йўл-кўприк хўжалигининг бўлим бошлиғи Ш. Шомансуровлар ҳалигача кўчалардаги бу тўсиқлар кимнинг ихтиёрида эканлиги ҳақида баҳс бойлашиб келишяпти. Уларнинг бири бу тўсқичлар савдо Бош бошқармасига биркитилган деса, иккинчиси ободонлаштириш бошқармаси балансида деб ўз сўзини тасдиқламоқчи бўлади. Бу муаммо ҳал бўлгунига қадар йўловчилар бузилган тўсиқлардан ўтиб юраверишади.

Бекатларни айланар экансан бу ерда биронта тоза ўриндиқ йўқлигига таажжубланасан, киши. Уларнинг ҳаммаси лой, синган, бўёқлари кўчиб кетган. Чиқинди ташлайдиган идишлар эса синган ёки баъзи ерларда ёнма-ён, баъзи жойларда мутлақо йўқ. Кўчаларда ирригация шохобчаларидан чиқариб қўйилган чиқиндилар магистрал ҳуснини бузиб турибди. Чиқиндиларни олиб кетадиган машина қачон келади-ю, бу кўча ҳуснига доғ бўлиб ётган ахлатларни қачон олиб кетади, буни ҳеч ким билмайди.

Фаррошларнинг кийимига қараб уларни кўча супурувчилар эканлигини аниқлаш қийин. Фақат уларни қўлидаги супургиларидан билиб олса бўлади. Мисол учун Муҳамедовни олиб кўрайлик. Унинг эгнидаги халат йиртиқ-ямоқлардан иборат. Халатни аллақачон ташлаб юбориш керак эди-ю, лекин уни кийиб тамомлаш муддати ҳали тамом бўлмаганди.

— Сизга биркитилган объектнинг жадвали борми?— сўраймиз фаррош Г. Ёрқуловдан. У елка қисиш билан жавоб қайтаради.

Нега энди шундай? Ахир жадвал тузилса, қайси участкалар тозаланиши кўрсатилса яхши бўлмайдими? Ахир жадвалсиз мастер ўзига биркитилган участкаларнинг қандай жойлашганлигини билишга қийналади-ку!

Ободонлаштириш бошқармасида фаррошларни маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлаб туриш аҳволи ҳам яхши эмас. 10—15 йил мобайнида биронта ишчи фахрий ёрлиқ билан тақдирланиб, миннатдорчилик билдирилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин.

Биз ана шу участканинг фақат салбий томонини олиб кўрсатаётганимиз йўқ, албатта. Бу ерда ўз ишига сидқидилдан ёндошиб, жуда кўплаб ҳамкасбларига ўрнак бўладиган ҳамшаҳарларимиз ҳам меҳнат қилишади. Нима учун фаррош Фасхутдинов ўзига биркитилган биринчи Даля проездида намунали тартиб ўрнатган-ку, нега энди унинг ҳамкасби Мўминов ўз участкаси бўлмиш Санъат саройи территориясидаги ўриндиқларни артиб қўйишни хаёлига келтирмайди.

Социалистик мусобақада моддий ва маънавий жиҳатдан ишчиларни рағбатлантириш катта роль ўйнайди. Бу ўз навбатида меҳнат беллашувини вужудга келтиради. Мусобақанинг таъсирчанлигини оширган ҳолда намунали фаррошлар сафини кенгайтириш билан бирга унинг яхши ишчи эканлигини тақдирлаш ва унга биркитилган участка бошқаларникидан аъло эканлигига эришиш керак.

Ободончилар ишида қуйидаги тадбирларга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Улар учун бир хил кийимлар, махсус жадваллар жорий қилиб участка озодалигига жавобгар бўлган ишчининг фамилияси ёзилиши даркор. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, фаррошларнинг иш режимига қаттиқ риоя қилиши жуда катта роль ўйнайди. Кузги-қишки вақтда ишни эрталаб соат 6 дан 9 гача ва 13 дан 17 гача, баҳорги-ёзги вақтларда эса соат 5 дан 8 гача олиб бориш керак.

Булар амалга оширилган тадбирларнинг ҳаммаси эмас. Энг муҳими шуки бу тадбирлар план асосида изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилиниши керак.

Ҳозир ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Октябрь ва Киров районлари меҳнаткашлари шаҳримизнинг барча меҳнаткашларига қарата ана шундай ташаббус билан чиқишди. Шунинг учун ҳам биз Октябрь районидаги энг асосий кўчалардан бири ҳақида сўз юритдик. Бу ердаги камчиликлардан бошқа ободонлаштирувчилар ҳам ўзларига хулоса чиқаришлари керак.

Архитектор ва қурувчилар ёрдами билан гўзал Тошкентимиз мамлакатимиздаги энг чиройли шаҳарлардан бирига айланди. Энг муҳими ҳеч қандай «майда-чуйда»лар пойтахтимизнинг эстетик қиёфасига доғ бўлиб тушмаслиги керак. Ободончилар олдида ана шундай вазифа турибди.

В. БАНДОРИН.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

И. РАҲИМОВ: 1961 йилгача чиқарилган давлат заёмларига ҳам ютуқ чиқадими ёки бу заёмлар омонат кассаларида қабул қилиб олинадими?

Жавоб: 1961 йилгача чиққан давлат заёмлари учун ютуқлар тиражи ўтказилмайди. Балки аста-секин ўз қийматини тўлаш билан давлат томонидан қайтариб олинади. Пул муомаласида ўзгариш бўлганлиги учун уларнинг ўн сўмига бир сўм тўлаш йўли билан қайтариб олинади. Қайси йилда чиққан заёмлар қачон қайтариб олинишини давлат меҳнат омонат кассаларининг ходимларидан сўраб билишингиз мумкин.

* * *

Н. МУРОТЖОНОВА: Ўзини страхованиe қилдириб, ҳар ойда пул тўлаб турган ишчи касаллик туфайли вафот этса, унинг тўлаган ҳақи фарзандларига қайтариб бериладими?

Жавоб: Ўз ҳаётини страхование қилган киши бахтсиз ҳодисага учраса ёки бевақт вафот этса, унинг страхование тўлови сифатида йиққан пули страхование варақасига исми ва фамилияси қайд қилинган фарзандига қайтариб берилади. Бунинг учун сиз турмуш ўртоғингиз меҳнат қилган корхона ёки ташкилотнинг бухгалтерия бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

* * *

А. ҲАЛИМОВ, М. НАЗАРОВ: Финляндиянинг Лахти шаҳрида чанғида учиш бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан чанғида узоқликка сакраш бўйича жаҳон рекорди қачон ва ким томонидан ўрнатилганлиги ҳақида маълумот беришингизни истардик.

Жавоб: Чанғида узоқликка сакраш бўйича жаҳон рекорди бундан роса 110 йил олдин қайд қилинган. Ўшанда норвегиялик спортчи Норхейм 19 метрга сакрашга муваффақ бўлган. Бу натижа дастлабки жаҳон рекорди сифатида тан олинган. 1936 йилда австриялик чанғичи Браадль Югославиянинг Планице шаҳридаги трамплиндан сакраб, ҳавода 101 метр масофани учиб ўтган. 1967 йилда Германия Федератив Республикасининг Оберстдорф трамплинида норвегиялик Грини янги жаҳон рекордини ўрнатган. У трамплиндан сакраган пайтда 150 метрлик белгига бориб тушган.

Орадан бир йил ўтгач Браадлнинг шогирди — австралиялик спортчи Бахлер Норвегиянинг Викерсунде шаҳрида ўтказилган мусобақалар пайтида ҳавода 154 метр масофани учиб ўтган. Ҳозирги жаҳон рекорди 18 ёшли австриялик спортчи Тони Иннауэрга тегишлидир. У 174 метр масофани ҳавода учиб ўтган. Чанғида узоқликка сакраш бўйича СССР рекорди ленинградлик спортчи Ю. Калининга тегишли. У 1967 йили Оберстдорф трамплинидан сакраш пайтида 136 метр масофага бориб тушган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Февраль ойида шаҳримизда 19 йўл-транспорт ҳодисалари рўй берди. Шунинг натижасида тошкентлик 17 ўғил ва қиз жароҳатланди.

Шулардан бири — 69-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Светлана Абдуллаевадир. У эрта билан соат 8 да кўчадан ўтиш хавфи йўқлигига ишонч ҳосил қилмай, яқинлашиб келаётган транспорт оралиғини ҳисобга олмай, Циолковский кўчасини кесиб ўта бошлади. Шунда А. Корчагин ҳайдаб келаётган ЕРАЗ—762 маркали 89-32 ТНЗ номерли автомобиль уни уриб йиқитди.

Бош мияси жароҳатланган қиз Тошкент Давлат медицина институти касалхонасига ётқизилди.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Севги ҳақида сонетлар

□

Жонгинам, сенга гар
қилсам хиёнат,
Муҳаббат ҳаққи-чун
тортурман жазо.
Шу куни қалбимда
ишқ қилур қазо,
Бундан ортиқ йўқ, деб, ёрга жиноят.
Гар менда бўлмаса зарра диёнат,
Умримга муҳаббат ўқир жаноза,
Ё қалбим ишқимга тутмагай аза,
Элу юрт олдида бўлгум ҳикоят.
Кимки қилса агар муҳаббатни хор,
Ҳаёт қарғишига учрар ниҳоят,
Бедаво бир дардга
бўлур гирифтор.
Бир кўнгил юмшамас қилса шикоят,
Косасин таги ҳам оқармас зинҳор,
Ким агар ёрига этса хиёнат.

□

Маломат тошларин отма бошима,
Шусиз ҳам ярадир ўзи пешанам,
Кўнглим шикастадир
менинг, эй санам,
Раҳм қил, кўзимдан оққан ёшима.
Кибру ҳаво бирла келиб қошима
Кўнглима солмагин яна дард-алам.
Менга не керакдир сенсиз бу олам,
Жабр этма, навқирон йигит ёшима.
Сенинг бир сўзингдан
дил бўлур хуфтон,
Зимзиё тун ичра чекурман ситам,
Гўёки офтобсиз қолгандек осмон.
Сўзингдан бол томса,
яшнагай сийнам,
Эл ичра тутгайман бошимни баланд,
Кўнглим бутун бўлур,
менинг, эй санам!

□

Сен ҳамон билмайсан
севишим чиндан,
Ё билиб, шунчаки этурсан гумон.
Шубҳалар ўтида ёниб беомон,
Бўлар-бўлмасга ҳам
ранжийсан мендан.
Рашк шамширин, жоним,
суғурма қиндан,
Сайёддек нўксимни олмагин нишон,
Ўқланиб қолмасин милтиғи ҳижрон,
Севгимиз мурувват кутадир сендан.
Кўзим қаросидек азиз севгимиз
Балодан сақлашга бўлурман посбон,
Ўзгалар учун у— қўл етмас юлдуз.
Сен билан кечадир умрим беармон,
Рашк қилсанг яйрайман,
эй умри азиз,
Ўтинчим, севгимга қилмагин гумон.

□

Менинг севгим кимга ҳам даркор,
Ким излайди ундан ҳаловат,
Ким бошига солиб маломат
Бўлур унинг учқунига зор.
Андуҳларинг ҳаммаси бекор,
Юрагингга солма жароҳат,
Бу умрнинг ўзи омонат,
Унга оғу солмасин ағёр.
Гумонларга қул бўлма асло,
Озор берма ўзингга зинҳор,
Ҳасадлардан мажруҳ бу дунё.
Сен борсанки оламда, дилдор,
Ҳеч ким этмас мени мубтало,
Сенсиз бўлур муҳаббатим хор.

□

Айт, жонгинам нафосатни
Сендан гуллар олганми ё?
Гуллар дилга солганми ё
Сендаги бор назокатни?
Бу ҳаётга латофатни
Сен арғумон этдингми ё?
Қиё боқиб ўтдингми ё
Тарк этма садоқатни.
Мен излаган муҳаббатни
Кўзларингда кўриб, дилбар,
Унутди жон ҳаловатни.
Унут бўлди кўзга гуллар,
Унутди дил саодатни,
Висолингга етгунча, ёр!

□

Сен бир гулсан, гулдай яшнаб,
Гулдай кулиб тур, жоним,
Иқболингни кўр, жоним,
Менга мамнун нигоҳ ташлаб.
Сен уйимга файз бағишлаб,
Ойдек сочгил нур, жоним,
Завққа тўлиб юр, жоним,
Ишқ боғига мени бошлаб.
Ёшлигимнинг ҳамрозисан,
Сенга севгим зўр, жоним,
Сен— қалбимнинг шўх созисан.
Созимга бўл жўр, жоним,
Сен— қўшиғим парвозисан,
Даврў даврон сур, жоним.

□

Субҳидам ювиниб олди табиат.
Баргларда ўйнади биллурий шабнам,
Инжулар мавжида яшнади кўклам,
Ғубордан пок бўлиб қолди табиат.
Дилларга завқу шавқ солди табиат,
Қувончли кўзларда нурланди олам,
Қатрада акс этиб ёнди қуёш ҳам,
Сабода дуторин чалди табиат.
Шаффоф табиатга бермасдан озор,
Кўм-кўк водийларга
ташлайман қадам,
Пойимда ястаниб ётур лолазор.
Тоғларда оҳудек кезадир илҳом.
Мен унинг бир қиё боқишига зор,
Кўнглимга ҳамроз бўл,
эй азиз қалам!

□

Бу дунёдан биз ҳам
бир кун кетамиз,
Кетимиздан йиғлаб қолар Шеърият,
Қаламимиз қўлга олар Шеърият,
Биз эса армон-ла беун кетамиз.
Қайтиб келмас бўлиб
бир тун кетамиз,
Қалбимизни олиб қолар Шеърият,
Руҳимиздан мадад олар Шеърият,
Энг сўнгги манзилга
бутун кетамиз.
Бизлардан шеър билан
ёдгор қолажак
Элу юртга сўнмас муҳаббатимиз,
Авлодлар қалбига машъал бўлажак.
Тиллардан қўшиқдек тушмас
отимиз,
Бизларни унутмас порлоқ келажак,
Унутмас жанговар Шеъриятимиз!

1977.

Адабиёт ва санъат

ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИ БЎЙЛАБ

СЕҲРЛИ МАСКАН

РЕПОРТАЖ

Чинакам санъат асари, хоҳ у китоб ё кино, хоҳ спектакль бўлсин, кишини сеҳрлайди. Хаёлларни чулғаб олади. Узоқ вақт киши борлиқни унутиб, ўша асарнинг таъсири остида юради. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи залларида бўлган томошабин ҳам шундай ҳолга тушади. Муҳташам заллар сокинлиги билан, қадимий қўлёзмалар улуғворлиги билан... киши кўнглига шукуҳ бағишлайди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг ташаббуси билан 1967 йили бизнинг Адабиёт музейимиз юзага келди.— дейди музей экспозиция бўлими бошлиғи Эргаш Умаров. — Адабиётимиз минг-минг йиллик тарихга эга. Ана шу меросни ўрганиш, элга ёйиш, айни чоғда ундан халқни баҳраманд қилиш йўлида музей эзгу ишларни амалга ошириб келмоқда...

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Ихчам зал. Залнинг зийнига кўргазма қўйилган. Ундаги материаллар Бобир ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Залнинг кунботиш томонидан улуғ шоир Алишер Навоий асарлари, шоир тузган ноёб девонлар кўргазмаси бошланади. Шоирнинг айрим чет эллардаги нодир асарларидан кўчириб олинган фотонусхалар ҳам кўргазмага қўйилган. Кўргазмалар юқорисига битилган ушбу байтлар шоир ижоди, фаолияти ҳақидаги тасаввурни янада тиниқлаштиради.

...Тўртинчи қаватга кўтарилаверишда «Октябрь ва ўзбек адабиёти» кўргазмасига кўзимиз тушди. Кўргазма асосан суратлардан иборат. «Ўзбек адиблари Белоруссия диёрида» (Янка Купала ҳайкали остида ўзбек адиблари тушган сурат). «СССР ёзувчиларининг I съезди» (Максим Горький нутқ сўзламоқда), «Халқ бахшиси Ислом шоир» каби суратлар ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Кўргазма инқилобдан кейинги йил ва адибларимиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмадан сўнг «Октябргача бўлган адабиёт» бўлими бошланади. Нодира, Увайсий каби шоираларимиз-у Машраб, Фурқат, Муқимий каби шоирларимиз ижодидан намуналар, уларнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар бу ерда мужассам.

Эргаш Умаров айтгани каби ҳар бир шоирнинг портрети, унинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар (ўзбек ва рус тилларида) асарларига ишланган расмлар, лавҳалар, асарларидан намуналар, имкон бор жойларда шоир дастхати-ю, қўлёзмалари қўйилган.

«Ўзбек совет фольклори» бўлимида таниқли бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоирларнинг суратлари қўйилган. Бахшиларнинг эл орасида достонгўйлик қилаётган расмлари, нашр этилган асарларидан намуналар бор.

«Ўзбек совет адабиёти» бўлими кўргазмадаги намуналарнинг хилма-хиллиги, сермазмунлиги билан кишини қувонтиради. Бу ерда Абдулла Қодирийнинг чўнтак соати ҳам, Ҳамид Олимжоннинг иш столи-ю Абдулла Қаҳҳорнинг 1935 йил чиққан «Иллар» китоби, «Сароб» романининг дастлабки нашрлари, таниқли адибимиз Шароф Рашидовнинг турли тилларда нашр этилган романлари, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов каби кейинги авлод вакилларининг қўлёзмалари жой олган.

«Европа адабиёти бўлими» ҳам томошабинни завқлантиради. Бунда Ги Де Мопассаннинг 1942 йили нашр этилган «Ҳикоялар»и, Генрих Гейненинг 1941 йил нашрдан чиққан «Лирик шеърлар» китоби, Жек Лондоннинг 1926 йили чоп этилган «Ҳикоялар» китоби, А. Барбюснинг 1941 йили нашр этилган «Ўт» китоблари каби нодир нашрлар борки, бу — халқимиз ўша йиллардаёқ жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан таниш бўлганлигидан, бу асарларни она тилларида ўқиганларидан далолат беради...

Музейнинг «Халқ оғзаки ижоди», «Октябргача бўлган адабиёт». «Совет адабиёти», «Адабий алоқалар». «Осиё ва Африка адабиёти» каби беш бўлими ҳам ана шундай қадимий нашрларга, нодир қўлёзмаларга бой.

Бугунги кунда Жиззах. Қўқон. Андижон. Самарқанд шаҳарларида ҳам музей филиаллари ишлаб турибди. Ҳар куни Адабиёт музейи залларида беш юзга яқин томошабин бўлиб, музейдаги ажойиб экспонатларни кўриб баҳраманд бўлишади. Музей залларида эса юз мингдан зиёд экспонат намойиш этилмоқда. Шу кунга қадар музей залларида ярим миллиондан ошиқ томошабин бўлди. Бу масканда бўлган ҳар бир киши эзгуликдан баҳраманд бўлади.

Ғ. ҲОТАМОВ.

Тошкент хореография билим юртининг студентлари имтиҳонларга тайёргарлик кўришмоқда. Бу имтиҳонлар ўзига хос қизиқарли ранг-баранг концерт программасини эслатади. Улар ўз ўқитувчилари билан бирга янги классик ва халқ рақсларини ўрганишмоқда, зарур кийим-кечакларни тайёрлашда иштирок этишмоқда.

СУРАТДА: имтиҳонларга тайёргарлик пайти.

С. Маҳкамов фотоси.

Москва область филармониясининг балет артисти Владислав Федин 10 йилдан бери ҳинд рақсларини ижро этади. У қадимги ҳинд маданиятини севади, рақсларнинг келиб чиқишини ва мазмунини жуда яхши билади, ўз билимлари ва санъатини томошабинларга сахийлик билан инъом этади.

СУРАТДА: Владислав Федин ҳиндча рақс ижро этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

СТУДЕНТЛАР ПРЕМЬЕРАСИ

Андижон медицина институти студентлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асари асосида яратилган спектаклни саҳнага қўйдилар. Студентларнинг драма тўгараги ташкил этилганидан буён ўтган 13 йил мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. Андижон медицина институтининг ҳаваскор артистлари Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика бадиий ҳаваскорлик конкурсининг лауреатлари бўлишди.

(ЎзТАГ).

Шоир Сергей МИХАЛКОВ — 65 ёшда

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ШОИРИ

Совет болалар адабиётининг атоқли намояндаси Сергей Владимирович Михалковнинг туғилганига 65 йил тўлди. У ўзининг ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида бахтиёр болаларимиз учун сермазмун, қизиқарли асарлар ёзиб, адабиётимиз хазинасини тобора бойитиб келмоқда. Талантли шоир мазмунан пухта, жанр жиҳатидан хилма-хил бўлган асарлари билан ёшларимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. Севимли болалар шоири Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

Шоир Сергей Михалков аслида Москвада туғилган, Пятигорск шаҳрида ўсган, улғайган. У мактабни тамомлагач, Москвадаги М. Горький номли Адабиёт институтида ўқийди. Институтда адабиётнинг хилма-хил қирраларини пухта эгаллайди.

Талантли шоир С. Михалковнинг биринчи шеърлар тўплами 1936 йилда босилиб чиққан. Унинг «Кемача», «Биз ўртоқларимиз билан», «Отлиқ киши», «Болалар учун қисса», «Бизга — ўттиз ёш» каби асарларида болалар ҳаётини тасвирлайди. Шоирнинг бу асарларида болалар ўйинлари, ҳаёти, ажойиб турмуши, уларнинг дўстлиги тушунарли қилиб ифода этилган. Уларнинг меҳнат ва меҳнат аҳлига, ўқишга бўлган муҳаббати ўз аксини топган. Шунингдек, шоир асарларида болаларда учрайдиган ялқовлик, қайсарлик каби ярамас хислатлар танқид қилинади, сатира остига олинади.

Шоир С. Михалковнинг 1943 йилда ёзган «Менинг дўстим», «Коля Кузнецов», 1940 йилда ёзган «Яхши инсон» каби асарлари, айниқса, характерлидир. 1946 йилда ёзган «Алоҳида топшириқ», 1947 йилда ёзган «Қизил галстук», 1948 йилда ёзган «Уйимга кетаман» номли драматик асарлари ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга қаратилган.

Ёшлар қалбининг сирдоши бўлган талантли шоир С. Михалков ўз асарларида ҳаётий, актуал ва характерли мавзуларни маҳорат билан тасвирлайди. Китобхонда ажойиб инсоний фазилатларни шакллантиради, коммунистик дунёқарашларини ўстиради. Бу ўринда унинг «Болалар учун қисса», «В. И. Ленин музейида» каби асарлари диққатга сазовордир. Шоирнинг «Болалар учун қисса» номли асарида совет халқининг мустаҳкам дўстлиги, немис фашизми устидан қозонилган ғалабаси, кўрсатилган қаҳрамонона курашлари тасвирланиб, ёшларни халқпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сари ундалса, «Степа оға» асарида совет кишиларига хос фазилатлари баён этилади. Унда тасвирланган Степа оға содиқ ҳарбий киши, Ватан ҳимоячиси бўлиб, ҳақиқий инсоний хусусиятлари билан ажралиб туради. У сувга чўкаётган болани қутқариш, поездни ҳалокатдан сақлаб қолишдек ажойиб ҳаракатлари билан намуна кўрсатади, болаларнинг севимли қаҳрамони бўлиб қолди. «В. И. Ленин асарининг студент ва мактаб ўқувчилари томонидан севиб ўқилиши, болалар боғча-ясли программасидан ўрин эгаллаши бежиз эмас, албатта. Асарда Лениннинг ҳаёти, революцион фаолияти содда тилда, қизиқарли эпизодлар воситасида тасвир қилиб берилган. Асардаги ҳар бир эпизод таълим-тарбиявий жиҳатдан қимматга эга. Асарда воқеа икки ёш— она, сингилнинг В. И. Ленин музейига боришни билан бошланади. Улар музейда, дастлаб, доҳий ўсиб улғайган уйни расмлардан томоша қиладилар, гимназияда аъло ўқиганини биладилар, мақтов қоғозини, ўқиган китобларини кўрадилар. Ой, йиллар ўтиши билан Ленин қўрқмас, баҳодир ўспирин бўлиб етишади. 17 ёшга тўлганда подшога қарши кураша бошлайди. Подшо бундан қўрқиб кетади, уни тутиш учун фармон беради:

Кетма-кет учди
фармон:
«Ульяновни тутингиз!»
Сургун қилинар шу
он,
Қишлоқда яшар
— ёлғиз.

Аммо доҳий Ленин подшо сургунларида ҳам тиниб-тинчимайди, балки революцион ишларни тобора авж олдиради, ишчилар ўртасида қизғин нутқ сўзлайди. Ўз нутқида кишиларнинг озод яшашини, меҳнат қилиб, роҳат кўришини дадил баён этади. Халқ доҳийнинг оқилона фикрларига, нутқига ишонади, унинг нутқини тинглаб, ортидан олға боради. Бу эпизодларни кўрган икки ёш жуда ҳаяжонланади, қувонадилар. Улар музейнинг янги залидаги суратларда доҳий Лениннинг сургунда чайлада ишлаб тургани эпизодларини кўрадилар, Ленин сургунда бўлишига қарамай, халқ бахт-саодати учун астойдил курашгандан беҳад шодланадилар, подшолик тузумига нисбатан нафрат билан қарайдилар. Ленин бошлиқ большевиклар гвардияси раҳбарлигида бутун халқ, отряд, полклар олға босгани, Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қилгани каби эпизодлар болаларнинг жанговарлик хислатларини оширади:

Шундай қулади
тахтдан
Октябрда буржуйлар.
Гуллади ишчи, деҳқон
Дилидаги орзулар.
Ғалаба эди мушкул,
Ленин бош бўлди
халққа,
Қуролди узоқни ул —
Олддан боқиб
йироққа.

Пионерлар отряди музейда Ленин байроғи остида тўпланишиб, доҳий яшагандек яшашга, «Ватанни севиб ундай, халққа хизмат қилиш»га ваъда берадилар, Ленин йўли тўғри йўл экани, партия бошчилигида шу йўлдан тоймаслик учун қатъий суҳбатлашиб оладилар:

Ленин йўлидан ўзга
Тўғри йўлни
билмаймиз.
Партия бошчи бизга
Шу йўлдан ҳеч
тоймаймиз.

Дарҳақиқат, шоир С. Михалковнинг шеър, масал, драматик асарлари ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатдан қимматлидир. Шунинг учун ҳам талантли шоир, таниқли драматург С. Михалковнинг асарларини ёшларимиз севиб ўқимоқдалар, ўрганмоқдалар. Шоиримизнинг ёзаётган ва миллион-миллион нусхада нашр қилинаётган асарлари чет элларда ҳам севилиб ўқилмоқда, қадрланмоқда.

Аҳад ПЎЛАТОВ,
педагогика фанлари кандидати.

◆ ЯНГИЛИК! ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

КУЙЛОВЧИ „ЛИКОПЧА"ЛАР

МУХБИРИМИЗ Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси Тошкент грампластинка уйининг ходимларига куй ва қўшиқ ихлосмандларига қандай совғалар тайёрлаяпсиз, деб савол берганида, шундай жавоб қилишди.

Фақат бизнинг грампластинка уйи ҳузуридаги магазининг ўзида бир кунда 500 га яқин куйловчи «ликопча»лар билан савдо қилинади. Шаҳар бўйича эса минглаб пластинкалар сотилади. Кейинги пайтларда грампластинкалар айниқса машҳур бўлиб кетди. Шундай пластинкалар борки, уларни ҳеч иккиланмай антиқа санъат асарлари дейиш мумкин.

«Мелодия» фирмасининг янгиликлари ҳақида гап кетар экан, чиройли сюрпризлардан бири ҳақида айтишга тўғри келади. Бу «Янгидан овоз олган» пластинкалардир. Шундай сарлавҳа остида 1908 йилдан тортиб 1954 йилгача ёзиб олинган ва энди қайтадан тикланган пластинкалар бор.

Бундай пластинкани яратиш устида ўн йилдан кўпроқ меҳнат қилдик. Бутуниттифоқ грамзапись студияси. СССР Ёзувчилар союзи. Давлат адабиёт музейи коллективлари биргаликда иш олиб бордилар.

Масалан, тингловчилар Лев Толстойнинг ўз овози билан «Н. В Давидовга мактуби»ни эшитишлари мумкин. Улуғ ёзувчининг овози бундан 70 йил илгари ёзиб олинган эди. Сергей Есенин ўз шеърларини қандай ўқиганини эшитиш ҳам қизиқ бўлса керак. Шоир ўз асарларини эҳтирос билан, шавқ-завқ билан ўқийди. Блок ва Маяковский, Зощенко ва Пастернак, Светлов ва Вересаев сингари сўз усталарининг овозини тиклашда ҳам «Мелодия» фирмасининг пластинкалари қўл келди.

Кўп пластинкаларни эшитган киши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан тараққиётни англаб олади. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги пластинкалар бу борада айниқса катта роль ўйнайди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев ва партия ва совет давлати бошқа арбобларининг сўзлари ёзиб олинган. Ёки «Октябрга бағишланади» деган пластинкаларни кўрайлик. Муса Жалил, Петрус Бровка, Ғафур Ғулом, Расул Гамзатов сингари улкан сўз усталарининг овозини эшитиш жуда ҳаяжонли.

Гап шундаки, бундай пластинкалар лектор ва пропагандистларга, ўрта ва махсус ўқув юртларининг, ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчиларига, ўқув тарбия ишларида ҳам ёрдам беради. Бу пластинкалар маданий-оқартув муассасаларидан, ётоқхоналарнинг қизил бурчакларидан муносиб жой олиши мумкин. Негаки таълим-тарбия ишларида, хордиқ чиқаришда улар жуда қўл келади.

Биз жамоат ташкилотларининг раҳбарларини, клублар ва маданият уйларининг директорларини, ётоқхоналарнинг тарбиячиларини «Мелодия» магазинига, шунингдек шаҳримиздаги магазинларнинг грампластинкалар билан савдо қиладиган бўлимларига таклиф этамиз. Сиз бу ерда ўз ишингизга ёрдам берадиган пластинкалар сотиб олишингиз мумкин.

Улкан санъат арбобларининг маҳорати ҳақида ҳикоя қилувчи ижодий портретлар серияси айниқса кенг тус олмоқда. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтўраева ижодига бағишланган пластинка бизнинг янги совғамиздир. Унда сиз «Навоий». «Бой ила хизматчи» «Ҳуррият». «Гамлет». «Момақалдироқ» спектаклларидан парчалар тинглашингиз мумкин.

Яна бир серия ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреатлари сериясидир. Бу пластинкаларда П. Неруда, Н. Гильен, Б. Брехт, Л. Арагон сингари улкан санъаткорларнинг овози янграйди.

Классик, камер куйлари, опера ва оперетталар, эстрада музикалари ёзиб олинган пластинкалар кўплаб чиқариляпти. Бу ўринда Ўзбекистон композиторларининг асарлари ёзилган пластинкалар. шунингдек, «Ирина Архипова куйлайди», «Березка ансамбли» грампластинкаларини айтиш мумкин.

Эстрада мухлисларига ҳам кўп совғалар бор. «Песняри», «Самоцветы». «Қуйилавер, қўшиқ», «Қўшиқ бизнинг ҳамроҳимиз» ансамблларининг концертлари ёзиб олинган комплектлар тайёрлаб қўйилди. Лев Лещенко. Вадим Муерман сингариларнинг қўшиқлари ҳам ёзиб олинган. «Сарғайган япроқлар». «Йўлимда ҳамроҳсан» сингари қўшиқлар эстрада мухлисларига айниқса манзур бўлади.

Ўзбек халқ куйлари, ўзбек совет композиторларининг янги асарлари алоҳида ўрин олади. Н. Муҳамедовнинг «Дилбарим». Т. Жалиловнинг «Орзу» асарлари. Покистон халқ куйлари. Маҳмуджон Муҳамедов ижро этган қўшиқлар кўпчиликка манзур бўлади деб ўйлаймиз. Шоирлардан Т. Тўла, П. Мўмин. Ў. Рашид ва бошқаларнинг сўзлари билан Муродулла Норқулов ижро этадиган қўшиқлар ҳам мухлисларни мамнун қилади.

Шоир Ямин Қурбоннинг эртаклари эса кичкинтойларга бағишланади. Хуллас биз катталарни ҳам, ёшларни ҳам унутмасликка ҳаракат қиляпмиз

М. ФОЗИЛХЎЖАЕВА,
Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси Тошкент грампластинка Уйининг директори.

● ФУТБОЛ

ОЛДИНДА УЛКАН ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ

Тошкент шаҳар футбол федерациясининг ҳисобот-сайлов пленуми бўлиб ўтди.

...Бундан бир неча йил муқаддам яхши анъана мавжуд бўлиб, Марказий «Пахтакор» стадионида олий лига командаларининг матчлари олдидан болалар командаларининг ўртоқлик учрашувлари ўтказиларди. Бу беҳисоб томошабинлар олдида биринчи марта ўйнаётган ёш футболчилар учун ўзига хос байрам, жиддий имтиҳон эди. Аммо бу анъанани негадир унутиб юборишди. Бу тасодифий эмас. Сўнгги вақтларда шаҳарда XX асрнинг энг оммавий спорт турларидан бирига қизиқиш сезиларли равишда сусайиб кетди. Барча ёшдаги футболчиларнинг маҳорати пасайиб, республикамизнинг асосий командаси — «Пахтакор»га ўринбосарлар етиштириш камайиб бормоқда.

Футбол федерациясининг маълумотларига қараганда ҳозир шаҳримизда спортнинг ана шу тури билан 259 минг киши шуғулланмоқда. Ваҳоланки уларнинг жуда оз қисми мусобақаларда мунтазам иштирок этишади. Шундай экан қандай қилиб ўйинчиларнинг маҳорати ошиши мумкин. Шаҳар мусобақаларининг календари ноқулай бўлиб жуда ҳам чўзиб юборилган. Бу тренерларга ўқув-машғулотларини планли равишда олиб боришларига тўсқинлик қилади.

Федерациянинг ҳисобот-сайлов пленумида ана шу ҳақда атрофлича гапирилди. Пленумда сўзга чиққан ўртоқлар федерация фаолиятини танқидий таҳлил этиб, унинг ишини яхшилашга қаратилган бир қатор қимматли таклифларни киритдилар. Пленумда шаҳар футбол федерациясининг совети ва президиуми сайланди. Шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов федерациянинг раиси қилиб сайланди.

МУСОБАҚА МАЙДОНИДА ЁШ СПОРТЧИЛАР

Андижонда оғир атлетика бўйича республика ёшлар ўйини ўтказилди. Бу ўйинлар Ўзбекистон XVIII спартакиадасининг бир қисмидир.

Андижон, Тошкент ва Фарғона областларининг штангачилари команда биринчилигида совринли ўринларни эгалладилар. Шахсий биринчиликда вазн категорияси бўйича Л. Чам, А. Абдуюсупов (иккаласи Тошкент областидан), Р. Изатулин (Тошкент), П. Нажмиддинов, Р. Раҳимов (иккови Андижон областидан), Ю. Данилин, Сирдарё области), В. Насонов (Тошкент области), И. Жарков (Фарғона области), Ю. Бойбеков (Тошкент области) ғолиб чиқишди.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/III да **Афсоналар водийси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да **Тошболта ошиқ.**

ЦИРК

— ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

14 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Тиль ҳақида афсона** (2 серия, катта залда, кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 15, 18, 20.00).

Карпат довонлари — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 15, 18, 21.00).

Никоҳ эълони бўйича танишув — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ёшлар — «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.00).

Бизнинг қарзимиз — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда).

15 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Тиль ҳақида афсона** (2 серия, катта залда, кундуз ва кечқурун).

Карпат довонлари — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00), «НУКУС» (11, 15.30, 16, 18, 20.45).

Тиль ҳақида афсона — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 15, 18, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 15, 18, 21.00).

Париждаги ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Фидойи аёл — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

НАВОИЙ НОМЛИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

15/III да — АФСОНАЛАР ВОДИЙСИ.

17/III да — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.

19/III да — ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК (12.00), СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ (19.00).

21/III да — ТРАВИАТА.

22/III да — СПАРТАК.

23/III да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.

Коллектив бўлиб келиш учун 33-90-81 телефони бўйича заявкалар қабул қилинади.

Касса соат 11.00 дан ишлайди.

«ГОРИЗОНТ» СИФАТНИ ГАРАНТИЯЛАЙДИ

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 55-МАГАЗИНИДА

15—25 МАРТ КУНЛАРИ

«ГОРИЗОНТ» ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ ВА «ОКЕАН—209» РАДИОПРИЕМНИГИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти.

«ГОРИЗОНТ—107»

— мамлакатимиздаги ягона, ҳамма тўлқинларда ишлайдиган, электрон бошқариладиган 1-классли телевизор бўлиб, экрани энг катта — диагоналига 67 сантиметр ва алоҳида акустика колонкасига эга. У 60 каналда метрли ва дециметрли тўлқинларда оқ-қора тасвирларнинг юксак сифатли акс этишини таъминлайди.

Телевизорнинг баҳоси — 400 сўм.

«ГОРИЗОНТ—206»

— экрани диагоналига 61 сантиметр бўлган телевизор моделларининг энг яхшиларидан биридир. Унинг такомиллашган схемаси тасвирнинг ёрқин ва аниқ бўлишини, товушнинг юқори сифатлилигини таъминлайди. Телевизор фойдаланишда пишиқ-пухта, муомалада содда ва ўзининг ташқи гўзал безаги билан ажралиб туради.

Баҳоси — 296 сўм.

«ОКЕАН—209»

— саккиз диапазонли, кўтариб юриладиган транзистор радиоприёмнигининг такомиллашган моделидир.

«ОКЕАН—209» — чидамли ва пишиқ, ташқи кўриниши чиройли, қувват олиши универсал — у электр тармоғидан ва батареяларда ишлайди, тежамли, электр ва акустик параметрлари аъло даражада, магнитофонга ёзиш ва қайта эшитиш мумкин, фойдаланиш учун қулай.

Баҳоси — 136 сўм 02 тийин.

Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган, «Горизонт —107» телевизори эса, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг олтин медали билан тақдирланган.

Бу моделларни яратганлар СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланган.

Сиз савдо-кўргазмасидан фойдали консультациялар оласиз. Уларни Сизга «Горизонт» бирлашмасининг мутахассислари беришади.

Агар сиз «Горизонт» телевизорлари ва «Океан» радиоприёмнигини савдо-кўргазмаси ишлаётган кунларда сотиб олсангиз, унинг кафолат хизмат муддатига қўшимча вақт қўшилади: сотилган аппаратларнинг 5 проценти 5 йил умумий муддат билан қўшимча кафолат олади, қолганларининг эса, кафолат хизмати муддати 1 йилгача узайтирилади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

55-ихтисослашган магазинида эскирган моделлардаги телевизорлар ва радиоприёмникларни имтиёзли шартлар билан янгиларига алмаштириш ҳам амалга оширилади, чунончи, товарлар кредитга расмийлаштирилади. Сотиб олинган телевизорлар ва радиоприёмниклар «Ташгортрансагентлиги» транспорти билан харидор уйига элтиб берилади.

Савдо-кўргазмаси 15 март соат 10.00 да очилади.

25 март соат 19.00 да савдо-кўргазмаси ёпилиши билан харидорлар конференцияси ўтказилади.

Ана шу охирги кунда магазиннинг савдо залида совғалар ютуғи ўтказилади. Савдо-кўргазмаси ишлаган кунларда «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотини сотиб олган кишиларгина лотерея ўйинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Совғалар орасида: ручка-радиоприёмниклар, қаҳрамон шаҳар Минск ҳақидаги суратли китоблар, турли эсдалик совғалари, «Горизонт—107», «Горизонт — 206» телевизорлари, «Океан—209» радиоприёмнигини 5 йил кафолатга пулсиз ремонт қилиш талонлари бор.

«Ташхозкультторг»нинг 55-магазини Киров кўчасидаги 17-уйга жойлашган.

Справкалар учун телефонлар: 33-24-02, 33-77-52.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА
МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»
«УЗКУЛЬТТОРГ».

МИНСК ШАҲРИДАГИ «ГОРИЗОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР
РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ
УЗЕЛИ

Тошкент шаҳар, Сулаймонова кўчаси, 31-уй, 9 «а» корпусда (метронинг «В. И. Ленин номли майдон» станцияси)

ЖОЙЛАШГАН

Телефон: 33-71-01

Абонемент бўлими телефони — 32-26-32.

Радиоточка ўрнатиш ва уни ремонт қилиш учун радиоэшиттириш тармоғидаги ремонт бюроси бутун сутка давомида ишлайдиган қилиб ташкил этилган.

3 программали громкоговорителлар Ленин районининг «Зангори экран» ательесида (Кафанов кўчаси, 65-уй, телефон 56-68-75. Госпиталь бозори қаршисида **ремонт қилинади.**

«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИРСКИЙ станциясининг»

2-ВАГОН ДЕПОСИ

Пассажир вагонларининг проводникларини тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 7—10-синф ҳажмида маълумотли, 18—35 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 90 сўмдан стипендия берилади.

Ҳамма қабул қилинганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Курсларга кирувчилар: паспорт, меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билет, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (3х4 см. ҳажмдаги) 4 дона фотосурат топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси. 90-уй (45, 50-автобуслар. 14-троллейбуснинг «Салор», 31-автобуснинг «Вагон-депоси» бекатлари).

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

санoат моллари сотувчиларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲАР ОЙДА 52 СЎМДАН 63 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Фрунзе райони, Ш. Руставели кўчаси, 53-уй (2, 3, 18, 45, 54, 58, 80-автобуслар, 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 30-трамвайларнинг «Театральная» бекати), кадрлар бўлими.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ

8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бу ерда оддий мактабларда бўлгани каби ҳар куни қўнғироқ чалинади. Тажрибали ўқитувчилар дарсга кириб, ўқувчиларга товаршунослик, савдо ҳисоб-китоблари, савдони ташкил этиш, савдо хизмати кўрсатиш, савдо эстетикаси бўйича лекциялар ўқийдилар.

СОТУВЧИ — ХАРИДОРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИСИ

Ҳатто ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида ҳам уларсиз иш битириш қийин. Харидорни қандай қарши олиш ва унга хизмат кўрсатиш, харид қилинган нарсаларни тарозуларда тўғри тортиш ва счётлар ёки касса аппаратларида нархини тўғри чиқариш, харид қилинган нарсаларни чаққонлик билан ўраб бериш, витриналарни дид билан жиҳозлаш — буларнинг ҳаммасини сиз мактаб-магазинда ўқиб ўрганасиз. У ердан сотувчи касбини эгаллаб чиқасиз.

Амалий машғулотларда сиз магазинда ишлаш учун зарур бўлган малака орттирасиз.

МАКТАБ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Олти ой ўтгач, сиз кичик сотувчи касбини эгаллаб чиқасиз.

Ўқувчиларга ойига 45—54 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: 8-синф тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақида аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, иккита фотосурат. «Ташхозкультторг» директори номига ариза.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ

Мактаб-магазин адреси: Тошкент шаҳар Муқимий кўчаси 1-уй (2, 3, 18, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар ва 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИГА
МАРТ — АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА

ҚУЙИДАГИ
БУТУНИТТИФОҚ
МАРШРУТЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1 — Москвага — 10 кун. Баҳоси — 50 сўм.

21 — «Кримский» — Симферополь — Алушта — Ялта — Севастопольга — 20 кунга. Баҳоси — 83 сўм.

32 — Сочига — 20 кунга. Баҳоси — 88 сўм.

45 — «Закавказье бўйлаб» — Боку — Ереван — Дилижон, Тбилиси, Кутаиси — Ботумига — 20 кунга. Баҳоси — 115 сўм.

49 — «Шимолий Кавказ — Қора денгиз соҳили» — Нальчик — Кисловодск — Сочига — 20 кунга. Баҳоси — 130 сўм.

93 — Новий Афонга — 20 кунга. Баҳоси — 83 сўм.

108 — «Полесье — Қора денгиз» — Житомир — Винница — Одессага — 20 кунга. Баҳоси — 95 сўм.

146 — «Болтиқбўйи бўйлаб» — Вильнюс — Калининград — Рига — Таллинга — 16 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

162 — «Рига — Пушкин қўриқхонаси» — Рига — Эзерницкий — Алоль, Пушкин қўриқхонаси — Псковга — 20 кунга. Баҳоси — 110 сўм.

175 — «Закавказье бўйлаб» — Мукачево — Хуст, Жлениево — «Дубовий Тай» туристик базаси — Ужгородга — 20 кунга. Баҳоси — 90 сўм.

251 — «К голубым озерам»—Оржоникидзе — «Голубие озера» туристик базаси — Нальчик — Кисловодскка — 20 кунга. Баҳоси — 100 сўм.

338 — Сухумига — 20 кунга. Баҳоси — 100 сўм.

443 — «Закавказье бўйлаб» — Сухуми — Кутаиси — Дилижон — Ереван — Бокуга — 20 кунга. Баҳоси. — 135 сўм.

450 — «Арманистондан — Аджаристонга» — Ереван — Ленинакан — Тбилиси — Кутаиси — Ботумига — 20 кунга. Баҳоси — 120 сўм.

Юқорида кўрсатилган маршрутларга путёвкаларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Советидан сотиб олишингиз мумкин.

Адрес: 700077 — Тошкент шаҳри — Луначарский шоссеси, 115-уй. Телефон: 66-26-41.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

13 МАРТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Учинчи йил — зарбдор йил» Свердловск қурувчиларининг «Бригаданинг беш йиллик топшириғини — оз ишчи кучи билан бажарамиз» ташаббуси тўғрисида. Кўрсатувда оғир саноат корхоналари қурилиши министрининг ўринбосари Я. И. Жемеров, КПСС Свердловск область комитетининг секретари Ю. В. Петров иштирок этадилар. 19.30 Жаҳон кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Консерваториянинг Катта залида Эмиль Гилельс концертлари». 4-кўрсатув. Программада Ф. Шопен асарлари. 22.50 «Биз — Элистаданмиз». Ҳужжатли фильм. 23.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» — Маск. 3-давр. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Ҳайвон ўргатувчилар». Болалар учун мультфильм. 18.45 ВЛКСМнинг 60 йиллигига. «Биз муносиб ўринбосарларингиз, комсомол». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телетомошабинларнинг саволларига халқаро масалалар бўйича шарҳловчи С. Ш. Қурбонов жавоб беради. 19.50 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик хор капелласи ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг кўкламги ташвишлари». 22.15 «Шонли анъаналар ворислари». «Серташвиш ёшлик». Бадиий фильм (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Новосибирск театрининг навқирон балети». Фильм-концерт. 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш» (рус.).

14 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Москва мактаблари ўқувчилари ижросида совет шоирларининг шеърлари. 10.35 Жаҳон кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. Канададан олиб кўрсатилади. 15.30 «Шипов заказниги». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.40 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 16.10 «Олис йўл қувончи». 16.40 «ВЛКСМ XVIII съезди олдидан». 17.25 «Ўсмирлар учун музикали кечалар». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ўсмирлар учун музикали кечалар» (давоми). 19.30 РСДРП биринчи съездининг 80 йиллигига бағишланган кўрсатув. 19.45 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 20.05 «Аср бошида». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Штраусиана». Фильм-балет. 22.40 «Ўттиз олти қувонч». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильмлар 18.45 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Бухоро область Свердлов райони пахтакорларининг янги марралари» 19.50 Телевизион новеллалар театри. М. Горький. «Республика қиролларидан бири». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ҳамда солистларининг концерти. 21.20 «Саричелек». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Партия планлари — халқ планлари». «Қашқадарё область медицина муассасалари қурилишларида». 22.15 «Сирли роҳиб». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 2-серия 20.05 Тошкент янгиликлари 20.25 «Санъат турлари Адабиёт». Эстетикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.05 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари» (рус.). 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи умумий тарих редакциясининг ходими О. Ҳакимовага онаси

Санобар
ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия техникуми дирекцияси, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети техникум ўқитувчиси, КПСС аъзоси

Анора
АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
13 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02; бўлимлар партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. 02280.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1259.